*Муносабат*

***Америка Қўшма Штатларида бир зумда содир этилган қонли террор жаҳондаги ҳар бир соф виждонли киши қалбини жунбушга келтирди. Бундай ваҳшиёна жиноят инсоният тарихида ҳалигача учрамаган эди. Ўзининг кўриниши жиҳатидан ўта ваҳшиёна бўлган бундай террорчилик ҳаракати дунёнинг кўпгина жойларида, жумладан, бизнинг минтақамизда ҳам фавқулодда кескин вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Баёнотини мамлакатимиз жамоатчилиги воқеаларга ҳаққоний ва холисона баҳо берилган ҳужжат сифатида қабул қилди ва унга ўз муносабатини билдирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларининг йиғилишларида ҳам Баёнотда баён қилинган хулосалар тўла қўллаб-қувватланди.***

# НУР ВА ЗУЛМАТ

Зеро, террорчиликка муносабат — ноҳақлик ва бағритошлик билан амалга оширилган вайронагарчиликлар, жаллодликлар, газандаликларга қаратилган одил муносабатдир. Бундай вазият ва ҳолатларда меҳр, шафқат, фаоллик ва бирликнинг куч-қувватига эҳтиёж ниҳоятда кучаяди. Одамлар бундай вазиятда ирқи, миллати ва дунёқарашидан қатъи назар ёвузлик, динсизлик, жаҳолатни таг-томири билан қуритиш учун бир тану бир жон бўлиб бирлашишлари, курашишлари зарурлигини ҳар қачонгидан кўра чуқурроқ ҳис этадилар. Бугун ҳам худди шундай бўлмоқда.

Америкада содир этилган мудҳиш фожеалардан сўнг террорчиликнинг моҳияти янада ойдинлашди. Терроризм юрт ва миллат танламаслиги, унинг машъум қиёфаси кўзга ташланган ҳар бир жойда, ҳар бир юртда, албатта, ақлбовар этмас қайғу ва кулфатлар пайдо бўлишига асло шубҳа қолмади. Бундай ёвузликларнинг бош манбаи, энг аввало, илмсизлик, маърифатдан бутунлай четлашув ва маънавий сўқирликдир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг осойишталигини бузиб, тинчликсевар халқларни фожеаларга дучор айлаётган ёвуз кучга қарши курашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига шубҳа йўқ. Бу, табиий, албатта. Чунки бир неча йиллардан буён уруш оловлари ичида яшаётган, ашаддий террорчи гуруҳлар изғиб юрган Афғонистон бизнинг қўшнимиз. Шу сабабдан ҳам элимиз орасида фавқулодда ҳушёрлик, ижтимоий-сиёсий фаоллик ҳукмрон бўлиши зарур. Шундай бўлаётир ҳам. Ваҳима ва қўрқувга берилишга заррача асос йўқ. Зеро, таҳлика ва қўрқув — одамхўр, бузғунчи террорчиларнинг қисмати. Уларни бегуноҳ одамларнинг уволи тутиши, улар ўзлари қазиган чоҳдан омон чиқмасликлари шубҳасиздир.

Бугунги кунда инсоният ҳаётига катта таҳдид солаётган бундай террорчилик ва диний экстремизмга барҳам бериш ўз халқининг нурли истиқболи йўлида қора кунлар бўлишини истамайдиган ҳар бир давлатнинг, қолаверса, ўз фарзандларига мусаффо осмон остида ястаниб ётган чаманзордай обод Ватанни мерос қилиб қолдириш йўлида ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи. Халқаро майдонда юз бераётган тезкор сиёсий-ижтимоий воқеаларга одилона муносабатда бўлишда ҳар кимнинг бугунги кундаги фуқаролик позицияси ниҳоятда муҳимдир. Биз терроризмнинг ваҳшиёна хуружини бошдан кечирганмиз, юртимизга манфур мақсадлар билан ўзининг қонли панжасини уришга интилган ватан хоинларининг халқимиз юрагига ваҳм ва ғулғула солиш мақсадида қилган босқинчилик ҳаракатлари келтирган фалокатларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Ҳар баҳорда мўл ҳосил умидида яхши ният билан муқаддас заминимизга барака уруғини қадайдиган боболдеҳқонларимиз далалари пайҳон этилиши, бепоён яйловларимиз жанггоҳларга айланиши, аждодларимиз маънавиятининг беқиёс қудратини оламга кўз-кўз қилиб турган асрий обидаларимиз вайрон бўлишини истамаймиз. Истиқлол ғунчалари бўлмиш ёш авлодимиз чеҳрасидаги гулгун табассум ўрнида қатра кўз ёши мангуга муҳрланишини истамаймиз. Ота-боболаримиз неча-неча асрлар давомида орзу қилган энг улуғ неъмат — мустақиллигимизни қўлдан беришни, бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир соф виждонли фуқароси қалбидаги навниҳол чечак — нурафшон келажагимизнинг саробга айланишини истамаймиз. Шу боис террорчиликни таг-томири билан қўпориб ташлаш, уларни қўллаб-қувватлаётган кучларни, дунёнинг қайси бир мамлакатида бўлмасин, ёвуз ниятли марказларни батамом тугатиш мақсадида кураш бошлаган ҳукуматлар ҳаракатини маъқуллаймиз. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўз Баёнотида қайд қилганидек, «Биз — терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол»дир.

**Тўра МИРЗАЕВ,**
**ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор.**



# Йўлингиз бехатар бўлсин

*Йўллар текис-равон, устига устак икки четига анвойи гуллар экилган бўлса... Бунда нафақат йўлинг унади, балки кайфиятинг ҳам юқори бўлади. Фарғона вилоятидаги «Фарғона халқаси» автомобил йўлидан юрсангиз бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Негаки, «Фарғонаавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли Фарғона автомобил йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси жамоаси бу хайрли ишга бош қош. Йўлингиз равон, кайфиятингиз аъло, доимо бехатар юришингиз учун ҳаракат қилишади.*

**СУРАТДА: ишчи Дониёр Ғуломбоев, машинист-автоскрейперчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Улуғбек Умаров, бўлим бошлиғи Аҳмаджон Мирзаев ва гредерчи Юрий Колсеников галдаги режалар тўғрисида суҳбатлашмоқда.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори»

**Қизилтепа туманидаги Бўстоний номли мактаб ўқувчиси Ҳамза Бегмановнинг шу мавзудаги сурати ҳаммани лол қолдирди.**

Навоий вилоятининг барча туманларида бош қомусимиз — Конституциямизни ўрганиш бўйича ўқувчилар ўртасида ижодий ишлар кўрик-танловлари ўтказилган эди. Яқинда унинг вилоят босқичи якунланди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси вилоят бўлимлари уюштирган бу танловда бахтимиз қомуси моҳиятини энг моҳирона акс эттирган иншо, баён, диктант муаллифлари, гўзал суратлар ижодкорлари республика кўрик-танловида иштирок этишади.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ҳамкорлик*

***Шу йил 22-24 октябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан «Фойдали қазилма конларини ўзлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида халқаро илмий-техник конференция бўлиб ўтади.***

# *Халқаро тадбир*

Унда Ҳамдўстликдаги бир қатор мамлакатлар, жумладан, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондан таклиф қилинган олимлар ва мутахассислар иштирок этиб, кончилик соҳасидаги муаммолар, илмий ҳамкорлик истиқболлари хусусида ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, геология ва геофизика институти, Фан ва техника давлат қўмитаси, минерал ресурслар ва рангли металлар институтлари, «Махсус қотишма» корхонаси, Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия комбинатлари, «Ўзолмосолтин» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий университети, Тошкент давлат техника университети ўзаро ҳамкорликда ташкил этаётган ушбу тадбир мамлакатимиз илмий ҳаётида сезиларли из қолдиришига ишонамиз.

**В. СТЕПАНОВ.**

*Чорвачилик: тажриба, изланиш*

# «ВЕСЕР ЭНС» билан аҳдлашаётган «ҒАЙРАТ»

Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги бошқаруви Германиянинг «Весер энс» компанияси билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолади. Унга кўра, компания хўжалик чорвадорларига сермаҳсул Саксония зотдор сигирларини кўпайтиришга кўмаклашадиган бўлди.

Хорижий ишбилармонларнинг йилига 10 тоннадан сут берадиган зотдор сигирларни айнан шу хўжаликда кўпайтиришни мақсад қилишгани бежиз эмас. Негаки, «Ғайрат» ширкат хўжалиги туманда чорва моллари етиштириш, гўшт, сут ишлаб чиқариш бўйича етакчи жамоалардан саналади. Айни дамда бу ерда чорва моллари сони мингга яқин бўлиб, уларнинг асосий қисми наслли ғунажинлар, серсут қора-ола зотли сигирлардир.

Хўжалик чорвачилигида қорамолларни парваришлаш уч йўналишда ташкил этилган бўлиб, озуқа бирлиги ҳам шунга қараб белгиланган. Зеро, бу соҳанинг хўжалик иқтисодиётидаги салмоғи 16 фоизни ташкил этмоқда. Жумладан, биргина жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида тармоқдан 34,5 миллион соф фойда олинганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади. Албатта, буларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлаётганлиги йўқ. Озуқа экинлари учун ажратилган майдонлардан баракали ҳосил олинаётганлиги ана шундай юқори натижаларга эришишнинг муҳим гаровидир. Ҳозирданоқ қишлов учун 57 гектар ердаги бедадан 1150 тонна сенаж, 2500 тонна силос бостирилди, яна 350 тонна лавлаги жамғариш кўзда тутилмоқда. Бу ҳар бир шартли қорамол ҳисобига 10-12 озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак тўплаш ва қишловни беталофот ўтказиш имконини беради.

— Мен тўрт ойликдан бир ёшгача бўлган бузоқларни парваришлайман, — дейди Лутфулло Аҳмедов. — Жониворларни мана шу босқичда етарли даражада ўстириб олсак, марра бизники. Ҳозир ҳар бир бузоқни кунига 500-600 граммдан семиртиряпман. Кейинги гуруҳга ўтказгунимча улар яна 150 килограммга ортади.

— Ойига 17-20 минг сўм атрофида маош беришаяпти, — сўзини давом эттиради Лутфулло. — Бузоқлар вазнини меъёридан оширсам, йил охирида биттасини мукофотга беришади. Бултур олганим ҳадемай сигир бўлади.

Шундай фикрни сут соғувчи Ойшахон Ўриновадан ҳам эшитдик. Бу меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш масаласи одилона ҳал этилаётганидан далолатдир. Ўтган ойда энг кам ойлик иш ҳақи 12 минг сўмни ташкил этганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Бош зоотехник Абдунаби Исоқовнинг айтишича, хўжалик йил бошидан буён 38 тонна гўшт, 260 тонна сут, 27 минг дона тухум сотиб, ишлаб чиқаришни икки бараварга оширибди. Натижада болалар боғчаси, шифохона ва бошқа бир қатор жамоаларни ана шундай маҳсулотлардан баҳраманд этиш имкони туғилмоқда.

Кўриниб турибдики, германияликлар «Ғайрат» ширкат хўжалигини танлашиб адашишмади. Чунки Саксониянинг сермаҳсул сигирларини кўпайтириш учун бу ерда барча имкониятлар муҳайё.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САРҲАДЛАРИ СОКИН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳолат ўзини қудратлиларнинг қудратлиси ҳисоблаган айрим давлатларга, уларнинг доно сиёсатдонларига ёқмай қолаяпти. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида ваҳима тарқатиш, саросимага солиб қўйиш, шу орқали иқтисодиётни издан чиқариш — яъни ишдан кўнгил совутишдек хом-хатала ниятда Ўзбекистон ҳақида бўлмағур гапларни айтишдан тийилмаяптилар.

Очиқ-ойдин айтиш керакки, ахборотлар хуружи вабодан ҳам ёмон. У аввало, миями заҳарлайди. Ғояга ғояни қарши қўяди. Мафкурага мафкурани едиради. Атомдан-да кучлироқ таъсир этади. Аслида ана шу хуружнинг ҳам ўз гумашталари, шу ғаламислик орқали кун кўрадиган манфаатдорлари бор. Улар ортида эса кўзга кўринмас корчалонлар — бировнинг гуллаб-яшнаётган юртини кўролмайдиганлар туради. Ана шу газандалар оммавий ахборот воситалари орқали вайсаётган журналистга кўча чангитгани учун садақа бериб туришини биз билмаймизми?

Олдинига ўша мардумлар Ўзбекистон АҚШга ҳарбий ҳолатда фойдаланиш учун аэродромларини очиб берди, деган уйдирмани тарқатдилар. Кейин эса толибонларнинг қуролланган жангарилари Сурхондарёга яқинлашаётгани ҳақида лоф урдилар. Гўё ўзларича Ўзбекистоннинг ҳарбий имкониятларини обрўсизлантирмоқчи бўлиб яна бошқа фисқу фасод қилишдан уялишмади. Ҳатто ўзбекларнинг нонини еб одам бўлган «Известия» мухбири Россиядан туриб фол очди. Гўё Ўзбекистонда мустақиллик пойдевори бўшаб қолганмиш.

Кўраяпсизми, кимгадир бу ғаламислик керакка ўхшайди. Ана шундайлар қадамимизни ўлчаб юрибди. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон тарихи бор, ватанпарвар ўғлонлари бор, кенг имкониятга эга давлат. Унинг атрофида гап-сўзлар кўпайгани ҳам шундан. Бу ёғини айтадиган бўлсак, бу юрт ёлғиз эмас. Унга меҳр қўйган, ўзига яқин билган дўст давлатлар, уларнинг етакчилари бор. Ўша самимий инсонлар Ўзбекистон билан яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам елкадош эканликларини билдиришаяпти. Шу ўринда Украина Президентининг Ўзбекистон Президентига телефон қилиб, Украина ҳукумати зарурат туғилса, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга ва уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилганини эсланг. Бу оддий гап эмас. Ёки Россия Федерацияси Президентининг Президентимиз билан телефон орқали мулоқот қилиши терророрга қарши курашда умумий бир фикрдошлик белгиси эмасми? Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг қўшма баёнотида ёки Буюк Британия Бош вазири билан телефондаги мулоқотда кўтарилган масалалардаёқ давлатимиз мавқеи билиниб турибди.

Бир неча кундан буён Сурхондарёнинг чегара сарҳадларида бўлган журналист дўстимиз кеча Тошкентга қайтди.

— Ваҳиманинг бошида чет элдаги айрим оммавий ахборот воситалари ходимлари турибди, — дейди у. — Ҳақиқий аҳвол эса тамомила бошқача. Шу пайтгача чегарада Амударёнинг нариги қирғоғидан мутлоқ у, ёки бу кўринишдаги уринишлар содир этилмаган. Тинч ҳаёт давом этаяпти.

Худди шундай жавобни Қашқадарёдан, Жиззах ва бошқа вилоятлардан ҳам олдик. Чегарачилар постида. Деҳқон даласида. Инвестор ўзининг тижорати билан машғул. Муаллим мактабда дарс бераяпти. Хориждан келган сайёҳ тарихий обидаларимиздаги мўъжизага термулиб завқ олаяпти. Яна нима керак?

Хориждаги баъзи оммавий ахборот воситалари ходимлари АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий кучларининг терроррга қарши ҳужуми бошланганиданоқ Сурхондарёга келишган эди. Албатта, журналистик қизиқиш билан. Шов-шув талаб бўлган ушбу ҳамкасбларимиз осойишталикни кўриб ҳайратланишаяпти. Ана шундай тинч вазият барқарор бўлиб турган пайтдаям, минг афсуски, юртимиз ахборот хуружидан четда қолаётгани йўқ. Россия телевидениесининг айрим журналистлари Ўзбекистонда изғиб, тирноқ остидан кир қидираяптилар. «Озодлик» мухбири эса бизни афғон ҳудудида бомба ташлаётган самолётларни «заправка» қилишда гўё раҳнамоликда айбламоқчи бўлди. Бу ёлғон эканлигини аслида кўпгина хорижий кузатувчилар билади. Аммо уларга нима.

Очиғини айтганда тобора авж олаётган бу ахборот хуружларига бефарқ қараб бўлмайди. Унинг касридан ўзимизни, болаларимизни, буюк Ватанни асраб қолишимиз жуда зарур. Бунинг ҳимоя-чораси ҳушёрлик, огоҳлик ва яна огоҳликдадир.

**Қурбон ЭШМАТОВ.**

*Обуна — 2002*

***Термизга сим қоқиб, вилоят ҳокими муовини Қувондиқ Мадартов билан боғландим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, табиийки ўзбекона қилиб «Тинчликми?» деб сўрадим.***

***— Сурхондарёда илгари ҳам тинчлик эди, насиб қилса, бундан кейин ҳам тинчлик бўлади, — деди у. — Фақат оғзига кучи етмаган баъзи бир хорижлик мухбирларнинг шов-шувидан бўлак ҳеч нарса йўқ. Қолаверса, ўшаларнинг ҳамкасблари бугун Термизга келиб, хотиржамлик ва осуда меҳнатни, ободончиликни кўриб ёқа ушлашаяпти.***

***— Газетамиз ҳам деярли ҳар куни чегара ҳудудларидан хабарлар бермоқда...***



# «ЭНГ АВВАЛО, «ХАЛҚ СЎЗИ»НИ ЎҚИЙМИЗ»

— Ўқияпман ва умуман биз, энг аввало, «Халқ сўзи»ни ўқиймиз.

Ва мен «Нега?» деб савол беришимга улгурмасимдан Қувондиқ ака гапида давом этди:

— Чунки «Халқ сўзи» мустақиллигимиз тенгдоши, бирор воқеани айтмоқчи бўлса, бўябежаб ўтирмайди, очиғини ва ростини айтади. Қолаверса, бу газета ҳукуматимизнинг, Олий Мажлисимизнинг нашри. Масалан, мен мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги оҳори тўкилмаган ахборот ва янгиликларни биринчи марта «Халқ сўзи»да ўқийман. Бундан ташқари, Президент Фармонлари, Олий Мажлисда қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам «Халқ сўзи» орқали ўша куниёқ Термизга етиб келади. Тўғри, вилоятимиз корхона ва ташкилотлари, кенг жамоатчилик ўнлаб турдаги нашрларга обуна бўлишган ва бўлишади ҳам, аммо уларнинг энг тепасида «Халқ сўзи» туради.

Албатта, мен бу гаплардан сўнг жуда хурсанд бўлдим ва газеталарга обуннинг бориши жараёнини сўрадим.

— Биз мажмуа йиғилишида барча туман ҳокими муовинлари билан обуна масаласини алоҳида кўриб чиқдик. Амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар режаси тузилди. Зеро, бундан сал аввалроқ вилоят ҳокими ҳам бу борада бизга топшириқ берган эди. Умуман, Сурхондарёдаги ҳар бир ташкилот «Халқ сўзи»га обуна бўлади. Бу уларнинг нафақат маънавий мажбурияти, сиёсий маданиятини белгиловчи омил ҳамдир. Шу туфайли туман ҳокимлари муовинлари ҳам жойларда обуна ташвиқоти ва амалиётини қўшиб олиб боришмоқда. Жумладан, «Халқ сўзи»да чоп этилган вилоятимизга дахлдор мақолаларни телевидениемизда бериб борамиз, газетанинг тарғиботи билан жиддий шуғулланаяпмиз.

— Раҳмат сизга, бу буғдой сўзларингизни эшитиб, «Халқ сўзи» муштарийларининг сони Сурхондарёда бу йил ўтган йилгидан икки баравар кўпайишига ишонч ҳосил қилдик.

— Сизгаям раҳмат, меҳнатсевар одамларимиз ҳақида, узоқ тарихимиз, яхши урф-одатларимиз, энг аввало, тинчлик ҳақида кўпроқ ёзинглар. Тинчлик бўлса, ҳамма нарса бўлади!

**Эсиргап БОЛИЕВ**
**ёзиб олди.**

***Дунёда шундай севинчли воқеалар юз берадики, унинг юрагингга тушган нури ҳеч қачон сўнмайди. Аксинча, абадий ёнгувчи гулханларга ўхшаб кундан-кунга баландлайди.***

***Озодлик, Ватан озодлиги, шахс Озодлиги ана шундай йилдан-йилга қудрат, ҳайрат касб этгувчи мўъжизадир. Бугун қайга нигоҳ ташласак, кўзимиз «Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги» деган бир муқаддаслик билан дучлашади. Қулоғимизда ҳам шу муқаддаслик сасланади. Айниқса, унинг юрагимиздаги сеурати, юрагимиздаги овозини аниқроқ кўриб, аниқроқ эшитамиз.***

***Озодликнинг энг катта инъоми маҳкумликдан халос бўлишга рағбат, умид, интилиш бахш этганидир.***

# ОЗОДЛИК —

... Хоразмда қадим-қадимлардан мисгарлар, кулоллар, гиламдўзлар қатори арқончилик орқасидан тирикчилик қилувчи сулолалар бор. Улар ипдан арқон ўришади. Ўтинчи, чорвачиларга сотиб оби ёвғон қайнатишган. Хива шаҳрида ҳам уларнинг бир нечтаси яшайди.

Истиқлол бўлиб, меҳнатга, ташаббусга ихтиёр берилгач, Нурпошша опа ва Собир Ҳасановлар оиласи меҳмонхона қурилишини бошладилар. Аввалига ихчамроқ мўлжал билан бошланган қурилиш куёв-келинлар, дўст-ёрлар «ҳа»-«ҳа»си билан каттая бошлади.

— Хивага энди кимлар келиб кетмайди, меҳмонхонанг борми десанг, бор, дейдиган бўлсин-да!

— Ҳовузи, ҳовлиси, боғи бўлсин!

— Айвонлари!

Шу таклиф, орзу-истаклар, ва қаттиқ меҳнат билан айвонларидан Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи кўриниб турадиган «Арқончи» деб номланган маҳобатли хусусий меҳмонхона қуриб битказилди. Ёзлик, қишлик кенг айвонлар, мўъжазгина хоналар, миллий таомлар ошхонаси...

Меҳмонхонанинг ҳар чизгиси — миллий нақшлар, эшик, дарвозаларига ўймакорлик безаклари, ҳатто зинапоя икки тарафидаги панжаралар шакли, атлас кўрпачалар тўшалган сўрилар, хонтахталар, ҳамма-ҳаммаси «Мен Ўзбекникиман, хуш келибсиз, сафо келибсиз» деб турганга ўхшайди.

Меҳмонхонада фақат миллий мусиқалар — беназир ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуровлар қўшиқлари ёзилган оҳанграбо тасмалари эшиттиришга қўйилади.

— Меҳмонхонамиз фақат хорижликларга хизмат қилади. Хоналаримиз доим сайёҳлар билан тўла. Ҳалигача хизматимиздан шикоят эшитганимиз йўқ. Албатта, «Арқончи»нинг бугунги мавқеи, обрўси учун хонадонимизнинг етти яшаридан етмиш яшаригача қаттиқ меҳнат қиламиз. Бировнинг, айниқса, ҳар бир чақани ўрни-ўрнига сарфлайдиган хориж ишбилармонлари, сайёҳлари чўнтагидан пул олиш осон эмас, — дейди меҳмонхона бекаси Нурпошша хоним.

Ҳам хонадони, ҳам юртимизга бойлик келтираётган Хивадаги машҳур «Арқончи» эгаларига қайси куч бу қадар шаҳду ғайрат бахш этди? Албатта, Ватан озодлиги! Озодлик яратган имконлар!

* * *

Андижонда бир неча йиллардан буён «Вилоятни гуллар, гулзорларга айлантирамиз» шиори остида давом этаётган гўзал ташаббусдан кўпчилигимиз хабардормиз. Аввалига ҳовли,кўчага файзу тароват бериш учун бошланган ҳаракат бугун андижонликларнинг яшаш шартига айланди. Ким қайга бориб, бирор ўзига хос гулга кўзи тушса, уруғи ё кўчатини кўтариб келадиган бўлди.

Гулчилар авваллари шаҳару қишлоқларда бармоқ билан санарли эди. Гул кўчати етиштириб, узоқ-яқинларни уруғ, ниҳол билан таъминловчилар — гулчилар оилалари, гулчилар маҳаллалари пайдо бўлди. Шу иш орқасидан сармоя орттириб, хусусий корхона очиб, деҳқончиликдан саноатга қадам қўя бошлади айрим кишилар.

Бир ташаббус бир нечта яхшиликни бошлаб келаётир. Ҳар йили то мустақиллик байрамигача ҳар маҳалла, қишлоқ, туманларда танловлар ўтказилади. Аввалига ҳайъат аъзолари гулларнинг ранг-баранглиги, кўркига қараб ютуқ белгилаган бўлса, бугун Мустақилликнинг ўнинчи йилида хонадоннинг ўз меҳнати орқасидан топган даромади, экологиянинг тозалигига ҳиссаси, маърифат, санъатга муносабати, фарзандлар тарбиясига эътибори ва албатта, гулпарастлик даражасига қараб, ўрин белгилайдилар.

Мукофот ҳам меҳнатига яраша — «Дамас», «Тико» машиналари — энг олий совринлар...

Андижон кўчаларидан юрсанг, тупроғи тугул, қурилиш учун қориб қўйилган лойларидан ҳам гул иси келади.

* * *

Қорақалпоғистонда аллома бобомиз шарафига аталадиган Беруний номли туман бор. Яқинда шу туманга йўлим тушди. Икки-уч йилдан буён Қорақалпоғистон, Хоразм ҳудудида давом этаётган сув танқислигини ҳаммамиз билиб, эшитиб турибмиз. Президентимиз, ҳукуматимизнинг бир кўзи доим ўша ҳудудларда. Ҳаёт, турмуш енгил эмас. Аммо барибир истиқлол шу қадар улуғ куч эканки, одамларга шундай шароитдаям баланд руҳ бераверар экан.

Берунийдаги «Ёшлар уйи»,

**21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун**

# ТИЛ — МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

***«Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади».***

**Ислом КАРИМОВ**

Бундан ўн икки йил муқаддам МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб республикамизда она тилимизга давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонун қабул қилинган эди. Буни шак-шубҳасиз истиқлол берган имконият, миллий қадр-қиммат учун кураш десак, адашмаган бўламиз. Президентимиз ҳали истиқлолга эришилмаган бир пайтда, 90-йилларнинг бошида 95 фоиздан кўпроқ аҳолиси туб миллат бўлган мамлакатда унинг тили ҳам давлат тили мақомига эга бўлмоғи табиий эканлигини дадиллик билан таъкидлаган эди. Бу жасорат она тилимиз ҳаётида тарихий бурилиш нуқтасини бошлаб берди.

Тил миллатнинг бирлиги ва борлигини таъминлайди. Унда миллатнинг маданияти ва маърифати, бой ўтмиши ва ўзига хослиги тўлалигича акс этади. Шунинг учун мустамлакачилар қайси ўлкани босиб олса, ўша юртнинг тилларига, у тиллардаги ёзма ёдгорликларга алоҳида эътибор беради. Ўз манфаатлари ва мафкураларига мос келмайдиган асарларни йўқотиб, тиллар мавқеини туширишга ҳаракат қиладилар.

Узоқ йиллик тазйиқларга қарамасдан ўзбек тили ўз миллий хусусиятларини йўқотмади. Даврнинг аёвсиз синовларига бардош берди. Чунки ўзбек тили туркий тилларнинг энг қадимийси ҳам бу тилларни бирлаштириб турувчи умумадабий тил эди.

Жаҳоннинг кўплаб академиялари аъзоси, Европа мамлакатлари бир неча етакчи университетларининг фахрий профессори Заки Валидий Тўғон шундай ёзади: «Ўн тўққизинчи асрнинг ўрталарига қадар Туркистоннинг ҳар тарафида, Ғарбий ва Шарқий Туркистонда, қозоқ ва қозон туркийларининг барчасида умумадабий тил сифатида ўзбек (чиғатой тили) қўлланар эди. Турк ҳукуматларининг, хонларининг, бекларининг, аҳолисининг иш ва муомала тили ҳам шу эди. Рус ҳукуматининг XVI ва ҳатто XVIII асрларда шарқ давлатлари билан сиёсий муносабатлари «татарча» ном берилган бу тилда (яъни ўзбек тилида) бўларди. Чор Борис Годунов номига Али Жалойир тарафидан ёзилган турк тарихининг тили Мовароуннаҳр ўзбек султонлари номига ёзилган асарларнинг тилидир».

## Қодирийдан қолган ёдгорим

*Қадрим сўраганда қайроғим, тилим,*
*Ёрнинг таърифида қаймоғим, тилим.*
*Ёвнинг юрагига титроқлар солган,*
*Алпомиш белида белбоғим, тилим.*

*Яссавий байтида туморим, тилим,*
*Навоий назмида сен орим, тилим,*
*Кумушнинг васфида бетакрор малак,*
*Қодирийдан қолган ёдгорим, тилим.*

*Онам алласида баётим маним,*
*Болам оғзидаги новвотим маним,*
*Оқ-сариқ илонлар бўйнидан бўққан,*
*Танглайда тош қотган фарёдим маним.*

*Тошлар тўфонида бағри тилимсан,*
*Кўксин чангаллаган қонли қўлимсан,*
*Ойга алмашмасман, кунга бермасман,*
*Чўлпон юрагида унган гулимсан.*

*Кўзларнинг гавҳари, кўнгил ойнаси,*
*Изҳори иффатдир ёрнинг гинаси.*
*Машраб қаламида девона тилим.*
*Тинглаган энтиккан ишқ ашуласи.*

*Жисмимда демангиз, жонимда тилим,*
*Етмиш икки томирим — қонимда тилим,*
*Ўғлимга ҳам менинг жонимдан ўтган,*
*Қизимга қатралаб қонимдан ўтган.*

*Қадрин сўрасангиз қароғим тилим,*
*Кўнгил осмонида чақмоғим тилим,*
*Нонидек тотлию чойидек иссиқ.*
*Ўзбек кўксидаги булоғим тилим.*

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

Мана, ўн икки йилдирки ўзбек тили Давлат тили мақомида бўлиб, унинг ривожи учун кўп ва катта ишлар қилинди. Давлат атамашунослик қўмитаси ташкил этилди. Бугунги кунда йирик анжуманлар, иш ҳужжатлари ўзбек тилида олиб борилмоқда. Таълим тизимида она тилимизнинг мавқеи кучайди.

Давр талаби ва эҳтиёжи асосида она тили таълими мазмунини янгилашга киришилди. Муқобил дастур ва дарсликлар яратилди. Мазкур таълим мазмунини янгилашга самарали таъсир кўрсатаётган тадбирлардан бири республикада биринчи марта таъсис этилиб, 1989 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Ўзбек тили» доимий илмий-методик анжуманидир. У ўз фаолияти давомида мактабгача таълимдан олий ўқув юртигача бўлган узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини ўрганиш, ўқитиш мазмунини белгилаш масалаларини кенг муҳокама қилиш, ва илмий тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш ишларини амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб янги ўқув дастури билан биргаликда ўқув тарбия жараёнига жорий этилаётган она тили бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва «Она тили» дарсликлари яратилди.

Таълим тизимида миллий истиқлол ғояларини ўқувчиларга сингдиришда ўзбек ҳалқи миллий руҳини ўзида мужассам этган она тили фанининг роли чексиз. Ягона миллий туйғуни шакллантириш ва мустаҳкамлашда ёшларнинг ижодий тафаккурини ўстириш ҳамда ривожлантириш учун она тили фанининг ўқитилишини яхшилашга алоҳида эътибор берилиши табиий.

Қисқаси, республикада «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунда белгиланган вазифаларни амалга ошириш давом этмоқда. Лекин бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу эса ишни янада такомиллаштириш, бор имконият ва тадбирлардан оқилона фойдаланиш ҳамда изланишни тақозо этади. Шуни унутмайликки, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш маълум мутахассисларнинг эмас, балки ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

## 2001 йилнинг 1 октябридан бошлаб

**тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган барча шахслар ўз ишларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳокимликларида "бир идора орқали" шаклида махсус ташкил қилинган бўлимларга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:**

**якка тартибдаги тадбиркорлар учун 4 та ҳужжат:**
- *давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;*
- *3х4 ўлчамли иккита фотосурат;*
- *рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;*
- *муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада) ҳамда паспорт.*

**юридик шахслар учун 6 та ҳужжат:**
- *ариза;*
- *корхона таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқлаган икки асл нусхаси;*
- *тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;*
- *рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;*
- *фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;*
- *муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).*

**фермер хўжаликлари учун 8 та ҳужжат:**
- *ариза;*
- *қишлоқ хўжалиги кооперативи умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори;*
- *Низомнинг нотариал тасдиқлаган икки асл нусхаси;*
- *тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;*
- *рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;*
- *фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;*
- *танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги баённомаси, бизнес-режа нусхалари;*
- *муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).*

**Солиқ инспекцияси, статистика органлари ва ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ҳисобга қўйиш ва рухсат олиш ишларининг ҳаммаси рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан амалга оширилади.**

**Ариза берилган кундан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар 8 кунда, юридик шахслар ва фермерлар 12 кунда таъсис ҳужжатларини ўз қўлларига тўлиқ оладилар.**

**Рўйхатдан ўтказиш идораларига топшириладиган таъсис ҳужжатларини туман ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ёки консалтинг фирмалари тайёрлаб беради.**

# ҲАМИША МЎЪЖИЗА

никоҳ уйи, тантаналар зали, кафе, кутубхона, спорт клубидан иборат бу мажмуа ёшларнинг тўпланиб фикрлашишлари, дам олишлари, яхши кунларни бирга нишонлашлари учун мўлжалланган. Яна туманда қанча-қанча янги иншоотлар қурилиши давом этаяпти.

— Биз ҳеч кимни ҳеч нарсага даъват қилганимиз, ҳеч кимга мажбурий бир эҳтиёж юклаганимиз йўқ, — дейди туман ҳокими. — Аммо кўпчилик ҳашарга ихтиёрий тарзда келаяпти, қурби етганлар худди азиз жойларда бўлганидек, жонлиқ сўйиб, ишчиларга ош тарқатаяпти...

Эҳтимол, кимгадир бу оддийгина хабардек бўлиб туюлар... Аммо халқининг, миллатининг бирлашишига, бирлашганда ҳам яхшиликлар атрофида бирлашишига, узоқ йиллар зор, интизор кутган биздай қавм учун бунинг қадри баланд.

Ва бу ҳуррият уйғотган фазилат бўлгани учун яна бир карра қадрлидир.

Берунийда Гулзира Мамедова деган бир ҳижронзада она билан танишдим. Уч қизнинг ичида бино қўйиб ўстирган Алишер исмли ўғли ўтган кузда автоҳалокатда қазо қилибди. Алишер талаба, олийгоҳни тугатгач, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи, сармоя топиб, ёшларнинг яхши ишларига ҳомийлик қилмоқчи экан. Афсус, бевақт ўлим унинг орзулари йўлини кесибди.

— Куйдим, ёндим, — дейди Гулзира опа. Аммо фойда топмадим. Президентимиз яқинда катта бир йиғинда «ҳаётнинг қадрига етиш керак, ёруғ кунларнинг қадрига етиш керак», дедилар. Бу гаплари менга кучқувват берди, ўрнимдан турдим. Алишернинг ниятларини амалга оширишга бел боғладим. Тадбиркорлик қиламан. Ер олиб, хусусий дўкон қурсам, қизларим, куёвим, дадаси бор, беш-олти сўм пул жамғариб, ўғлим орзулагандек, «Беруний қизлари» деган китобга ҳомийлик қилсам қани...

Одам Гулзира опанинг гапларини кўз ёшисиз эшита олмайди. Албатта, она учун бу орзулар рўёби осон эмас. Аммо биз учун шу орзунинг ўзи, инсоннинг, элнинг ўз қайғулари орасидан қақнус қушдай кўтарилиши, катта мақсадларга қўшилишга куч топиши қанчалар муҳим!

Қаранг, қанчалар ўзгардик биз, қанчалар ўзгараяпмиз. Қанчалар тадбиркор, ташаббускор миллат эканмиз.

* * *

Анчадан буён бирга қўшиқ айтмай қўйгандик. Томоша залларида ҳам худди мажлислардагидек, аудитория, синфхоналардагидек фақат тингловчи эдик. Баъзан қўшиқ юрагимиз торларига тегиб ўтса-да, жим ўтирардик. Ҳеч ким бизга «қўшилиб қўшиқ айтма!» демаса-да, «Ҳақиқатни айтма!», «Бир-бирингдан узоқроқда юр», «Тўпланма!», «Тўпланиб гапиришма!» ва ҳоказо ман этишлар оқибатидами, бирга куйлашга ҳам ҳаддимиз сиғмасди.

Худога шукрки, яна биргалашиб қўшиқ айта бошладик.

«Фидойинг бўлгаймиз сенинг Ўзбекистон», «Халқ бўл, элим», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» каби қўшиқлар айтилса, ўз-ўзидан ичичимиздан овоз тошиб келаверади. Фақат овоз эмас, юраклар туташади. Байроқ тутган қўллар, елкалар бир-бирига яқин келиб, битта сафга айланади.

Нақадар қувончли онлар бор!

Муҳаммадқодирнинг, Русланнинг, Баҳром, Маҳтумқули, Ироданинг жаҳоншумул ғалабалари... Биз минг-минг километр масофалардан ватандошлик риштаси билан уларнинг ҳар бирига боғланиб турдик. Улар билан бирга майдонларга кирдик. Манглайидан оқаётган терларни кафтимизда ҳаёлан артиб турдик.

«Ҳа-а-а, озгина чида, озгина бардош бер, Ўзбекистон яна ғолиб бўлсин, сен ахир, шу дамда Ўзбекистонсан, жоним» дея юрак-юракдан илтижо этдик.

Қай биримиз жойнамоз устида, қиблага қараб... қай биримиз йўлда, қай биримиз иш устида...

Улар ғолиб қайтишди.

Нечоғлик улкан ғурур бу! Курашчисининг ғалабасини фақат полвони эмас, бутун эл-улус билса, бу бизнинг халқ бўла бошлаганимиз. Бир-бировдан беҳабарлик миллатни парчалайдиган, хабардорлик, огоҳлик эса бир жипс қиладиган ҳодисадир. Ҳаммаси — бу қувончу сурурлар, ғурурлар минг бир сўқмоқ орқали Ватан озодлигига туташади, ҳаммаси Ватан озодлигидан нафас олади.

— Озодлик, бу Ўзбекистон номи билан дунёга чиқаётган «Матиз» исмли яна бир маликасифат кўркам машинамиз!

— Тинчлик мавзуида чизган сувратлари учун Японияда бош соврин олиб қайтган ўн уч яшар иқтидорли избосканлик қизалоқ Дилфуза Матбобоева.

— Озодлик, — бу муаллимликда қаҳрамон бўлган Манзурахон, Мавлудахон!

— Озодлик — «Эртага Ватанимиз футболдан чемпион бўлади» дея кўзларида чўғ ёниб майдонга тушаётган маҳалла болакайлари!

Озодлик — фақат яхшиликка, эзгуликка қараб мuттасил интилаётган миллионлаб ватандошларимизнинг бутун умиди ва ишончи!

— Мен фақат дунё кўргани саёҳатга кетаяпман, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, мусаввира Гулзор Султонова хорижга учаётиб, — чет элда расcомлик санъатининг қадри баланд деб кўп эшитганмиз. Аммо мен Ўзбекистонсиз яшай олармидим, нимани, қандай чизаман Ўзбекистонсиз? Умуман, Ўзбекистонсиз яшаётган ўзбекнинг шеър ёзиши, расм чизишига ишониш қийин. Наҳотки мумкин бўлса!

Ўн йилнинг тонгу шомлари аро топганимиз мана шундай эътирофлар! Ва бу топилма — ниҳоятда улкан бойлик! Ҳар биримиз кўзимиз, қалбимиз, вужудимиз билан шу бойликка дахлдор давлатманд киши эканимизнинг ўзи беҳад улкан бахт!

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

## Ҳурматли тадбиркор жаноблар!

**Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шароитлар яратиш мақсадида**

# «АСАКА» БАНК

**2001 йилнинг 1 октябридан**
**касса ҳисоб-китоб хизматлари ва валюта операциялари бўйича тарифларни**
**30%дан 50%гача КАМАЙТИРАДИ.**

«Асака» банк Ўзбекистон молия бозорида 1996 йилдан бери фаолият юритиб, республиканинг ҳамма вилоят ва туман марказларида ўз филиаллари ва бўлимларига эгадир. Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

***«Асака» банк сизни ҳамкорликка таклиф қилади!***

**Маълумот учун телефонлар:**
**120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66.**
**Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67.**
**Банк филиаллари Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида жойлашган.**

ASAKA BANK

4919

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 2 октябрдан 13 октябргача бўлган маълумот)***

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 22 сентябрдаги 262-сон ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг 2001 йил 22 сентябрдаги 230-сон* «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара зонаси белгиланган туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларнинг қўшимча рўйхатини эълон қилиш тўғрисида»*ги буйруғи.*

**2001 йил 2 октябрда 1072-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 12 октябрдан кучга киради).**

2. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 19 сентябрдаги 107-сон* «Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлашни маблағ билан таъминлаш ва аниқ рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

**2001 йил 3 октябрда 1073-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 13 октябрдан кучга киради).**

3. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 14 сентябрдаги 203-В-сон ва Молия вазирлигининг 2001 йил 14 сентябрдаги 108-сон* «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори (янги таҳрирда).*

**2001 йил 3 октябрда 1074-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 13 октябрдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг *2001 йил 4 октябрдаги 439-сон* «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида Трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида»*ги буйруғи.*

**2001 йил 13 октябрда 996-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 23 октябрдан кучга киради).**

5. *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 20 сентябрдаги 2001-95-сон, Марказий банкнинг 2001 йил 20 сентябрдаги 182-В-1-сон, Молия вазирлигининг 2001 йил 20 сентябрдаги 97-сон, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2001 йил 20 сентябрдаги 05/2573-сон* «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва чегирмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»*ги қарори.*

**2001 йил 13 октябрда 1018-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 23 октябрдан кучга киради).**

**II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:**

1. Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида низом ва 1-сонли ўзгартиришлар. *ЎзР Марказий банки ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1999 йил 20 июлда 775-сон ва 2000 йил 3 июнда 775-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2001 йил 3 октябрдаги 171-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.**

2. Хорижий инвестицияли корхоналар устав фондига қўшиладиган интеллектуал мулкни баҳолаш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР ФТДК томонидан тасдиқланган (1997 йил 20 январда 301-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2001 йил 13 октябрдаги 174-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.**

***Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ва/ёки Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат реестридан чиқарилди.***

**III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори (янги таҳрирда).*

2. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Ваколатли банкларда норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»*ги қарори.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитасининг* «Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг режали харажатларини ва мақсадли молиялаш схемалари бўйича маҳаллий бюджетларни молиялаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг* «Саноат корхоналари ҳисоботларини тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

5. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Марказий банкнинг* «Давлат бюджети маблағлари ва марказлашган кредитлар ҳисобидан республика инвестиция дастурига киритилган объектларини қуришда аванс бериш ва ҳисоб-китоблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

6. *Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг* «Техник иқтисодий асослар, қурилиш лойиҳалари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

7. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг* «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул маблағларини «Ўзагромашсервис» уюшмасига Давлат кооператив қўмитаси тизимидаги машина трактор паркларига кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлар учун ўтказилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

8. *«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг* «Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва сув тармоқлаш тизимларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги буйруғи.*

9. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Тижорат банклари (хорижий сармоялар иштирокидаги банклардан ташқари) ва уларнинг филиалларини рўйхатга олиш учун тўлов миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги қарори.*

10. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимча киритиш тўғрисида»*ги қарори.*

11. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг* «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш ва бажариш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.*

***Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.***

**IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг* «Давлат акциядорлик жамиятлари акциялари шаклидаги активларининг таркиби ва уларнинг депозитар ҳисоби хусусиятлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг* «Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида тартибни тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг* «Таълим муассасаларида степендиялар тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Марказий банк ва молия бозори иштирокчилари бўлган тижорат банклари томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

5. *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг* «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

6. *Даварxитектқурилиш қўмитасининг* «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Даварxитектқурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

7. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг микрокредитлаш дастури доирасида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашнинг вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги қарори.*

8. *Даварxитектқурилиш қўмитасининг* «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишга ҳаражатлар таркиби бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш мажмуаси ташкилотлари учун молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги соҳалараро йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.*

9. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари режаси тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»*ги қарори.*

10. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фойдаланиладиган электрон маълумотномаларни ишлаб чиқиш ва юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги қарори.*

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар:**
**133-38-67, 132-00-28**



## Афинадан хушхабар

*12-14 октябрь кунлари Грециянинг Афина шаҳрида ёшлар ўртасида каратэ бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 70 давлатнинг 800 дан ошиқ каратэчилари қатнашди. Республикамиз вакиллари ҳам мазкур мусобақада иштирок этиб, яхши натижаларга эришди. Мамлакатимиз вакиласи София Коспўлатова 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида 3-ўринни эгаллади.*

***СУРАТДА:* София Коспўлатова мураббийи Алишер Содиқов билан.**

**М. АМИН (ЎзА) олган сурат.**

*Сизнинг журналингиз*

# «Ўзбекистон матбуоти» билан дўст бўлинг



***«Туркистон матбаачиси» номи билан 1918 йилнинг 15 июлида дунё юзини кўрган «Ўзбекистон матбуоти» журнали мустақил мамлакатимизнинг қалам соҳиблари, телерадио журналистлари,ноширлари, матбаачилари, китоб савдоси ходимлари, жамоатчи мухбирларга мўлжалланган яккаю ягона нашрдир. Давр вазифаларидан келиб чиқиб нашрнинг номи бир неча бор ўзгарган бўлса ҳам, мақсади битта: республика тараққиётига хизмат қилиш.***

Журналнинг даврий нашрлар қаторида ўз ўрни, ўзига хос мавқеи бор. «Муҳаррир минбари», «Нашриёт». Матбаачилик», «Телевидение. Радио», «Китоб савдоси», «Барҳаёт сиймолар», «Фахрийлар — фахримиз», «Матбуотимиз фидойилари», «Сўз — жамоатчи мухбирларга», «Очиқ ва аччиқ гаплар», «Ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз», «Матбаамиз жонкуярлари» унинг доимий рукнларидир.

Мамлакатимиз ижодкорларининг Истиқлол ғалабаларини мустаҳкамлаш, миллий мафкурани шакллантиришга доир таклиф ва мулоҳазаларига, дил сўзларига журнал саҳифаларидан кенг ўрин берилади. Оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, журналист кадрларни тарбиялаш сингари муҳим мавзулар атрофлича ёритилади. Айни чоғда бозор иқтисодиёти шароитида қаламкашлар, нашриёт-матбаа ходимлари дуч келаётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари «Матбуот ва бозор иқтисодиёти», «Бизнинг мусоҳаба», «Нуқтаи назар», «Матбуот шарҳи» рукнида эълон қилинади.

Бўлажак журналистлар учун «Савол-жавоб», «Бугунги талаба — эртага журналист» рукнлари остида чиқишлар уюштирилмоқда.

Журнал саҳифаларида Ўзбекистон матбуоти ва матбааси тарихи, журналистикамиз тамал тошини қўйган фидойи ва забардаст қалам соҳиблари ҳаёти ҳамда ижодига оид туркум мақолалар берилаяпти. Бу, шубҳасиз, қадриятлар тикланиб, миллий анъаналар қадр топаётган ҳозирги кунда жуда муҳимдир. Республикамиз қаламкашларининг хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлик риштлари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ғоятда қувонарлидир. Шу мавзудаги мақолалар «Ўзбекистон ва жаҳон», «Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида», «Журналист хориж сафаридан қайтди» рукнларидан жой олмоқда. «Замонавий ёдномалар», «Бир сурат тарихи» мавзуидаги ранг-баранг хотиралар ва эсдаликлар журналхонлар эътирофига сабаб бўлаётир.

Азиз ҳамкасблар — матбуотимиз мухлислари, журналимизнинг энг яқин кўмакдошлари бўлмиш журналист ва матбаачи касбини эгаллаётган талабалар, жамоатчи мухбирлар! Айни кунларда «Ўзбекистон матбуоти» журналига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда. Журналнинг обуна баҳоси бошқа даврий нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган. Жумладан, Тошкент шаҳрида журналнинг 1 йиллик обуна баҳоси — журнал алоқа бўлимига етказиб бериладиган бўлса — 1020 сўмни, уйингизга етказиб бериладиган бўлса — 1140 сўмни ташкил этади. Вилоятларда обуна баҳоси вилоят матбуот тарқатувчиларининг имкониятларидан келиб чиқиб белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, журналимизнинг индекси — 883.

Журнални йил бўйи канда қилмай ўқиб бораман десангиз, унга ўз вақтида обуна бўлинг.

**Абдуғани АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири ўринбосари.**

## ҲИКМАТ

*Ҳар ишда афзалдир билим орттириш,*
*Билим орттирмоққа астойдил тириш.*


**Тошкент шаҳар, А.Толстой кўчаси, 23-уйда жойлашган**

**«SHAHARLARARO ALOQA KORXONASI»**

**очиқ акциядорлик жамияти**

**2001 йил 2 ноябрь соат 10.00да бўлиб ўтадиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини 19 ноябрь соат 15.00га янги кун тартиби билан кўчирилганлигини маълум қилади.**
**Мажлис «Shaharlararo aloqa korxonasi» ОАЖ мажлислар залида бўлиб ўтади.**
**Акциядорларнинг реестри 2.10.2001 йил ҳолатига ёпилган.**
**Қатнашчиларни рўйхатга олиш соат 14.00дан бошланади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Shaharlararo aloqa korxonasi» ОАЖни «Ўзбектелеком» АКга бирлаштириш йўли билан қайтадан ташкил этилиши тўғрисида.
2. «Shaharlararo aloqa korxonasi» ОАЖ бош директорининг ваколати муддатидан олдин тугатилиши ва тайинланишини тасдиқлаш тўғрисида.
3. «Shaharlararo aloqa korxonasi» ОАЖ кузатув кенгаши таркибини сайлаш.
4. Жамият эмиссия проспектини ўзгартириш тўғрисида.
5. Жамият низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

**Кузатув кенгаши.**

4916

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

*ногиронлар аравачалари учун*

**БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАРНИ**

*сотиб олиш бўйича*



**ТЕНДЕР** *эълон қилади.*

*Бутловчи қисмларни сотиб олиш ҳажми — 1000 комплект.*

Телефонлар: 139-88-33, 139-48-60, 139-88-44, факслар: 139-48-70, 139-47-90.

4917

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**профессор-ўқитувчилар лавозимларига битим асосида танлов эълон қилади.**

**«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** — *кафедра мудири, катта ўқитувчи-2;* **«Фалсафа»** — *кафедра мудири;* **«Маънавият асослари»** — *кафедра мудири;* **«Силикат моддалар технологияси»** — *профессор, доцент;* **«Ноорганик моддалар технологияси»** — *кафедра мудири, доцент, ассистент;* **«Камёб, нодир ва тарқоқ металлар технологияси»** — *кафедра мудири, катта ўқитувчи;* **«Умумий ва ноорганик кимё»** — *ассистент;* **«Физик ва коллоид кимё»** — *профессор, доцент;* **«Органик кимё»** — *кафедра мудири, доцент;* **«Аналитик кимё»** — *кафедра мудири, катта ўқитувчи;* **«Ёғ-мойлар технологияси»** — *катта ўқитувчи;* **«Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси»** - *доцент, катта ўқитувчи, ассистент;* **«Гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси»** — *кафедра мудири, катта ўқитувчи-2;* **«Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва электротехника»** — *кафедра мудири, доцент-2;* **«Механика асослари ва муҳандислик графикаси»** — *кафедра мудири;* **«Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси»** — *ассистент-2;* **«Касбий педагогик тайёргарлик»** — *кафедра мудири;* **«Информатика»** — *кафедра мудири, катта ўқитувчи;* **«Физика»** — *доцент;* **«Ўзбек ва рус тиллари»** — *кафедра мудири, катта ўқитувчи;* **«Кимё саноати иқтисодиёти ва менежменти»** — *кафедра мудири;* **«Озиқ-овқат саноати иқтисодиёти ва менежменти»** — *кафедра мудири;* **«Саноат экологияси»** — *доцент, катта ўқитувчи-1;* **«Олий математика»** — *катта ўқитувчи;* **«Чет тиллар»** — *катта ўқитувчи-3.*

*Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб — 1 ой.*

**Манзилимиз: Тошкент-11, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.**

**Телефон: 144-79-31.**

4908


Афанди анҳор бўйида ўтириб, сувга танга ташлаётган экан.

— Нима бўлди, — ҳайрон бўлиб сўрабди у ердан ўтиб кетаётган йўловчи.

— Анҳорга тангам тушиб кетди.

— Нега бошқа тангаларингни ҳам у ерга ташлаяпсан?

— Қизиқмисан? Битта танга деб сувга тушиб ўтираманми? Кўпроқ танга бўлса, тушишга арзийди.

* * *




Афанди уйига иккита каттакон тарвуз олиб кетаётса, йўлда бир дўсти учраб, ундан сўрабди:

— Ҳа, ошна, намунча, катта тарвузларни қўлтиқлаб олибсан, яна иккитасини?

— Бир пайтлар қайнонам мана шундай катта тарвузнинг биттасига жонимнинг ярмини беришга тайёрман, деган эдилар, шунинг учун бор барака деб иккитасини сотиб олдим!




## Жони темирдан экан

Саккиз жойи синган бўлишига қарамай, парашютчи Ҳасан Омировичнинг омади келди, деса бўлади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, 2500 метр баландликдан очилмай қолган парашютда секундига 20 метр тезликда ерга тушиб, тирик қолишнинг ўзи бўладими? Яна шуниси қизиқки, Омирович соғлиғини тиклаб олгач, яна ўша спорт тури билан шуғуллана бошлаган.

## Кимнинг шами тез ёнади?

Тайландда қадимдан қолган ажралиш одати ҳамон сақланмоқда. Бу одатга кўра эр ва хотин гувоҳлар олдида бир хил катталикдаги иккита шамни ёқишади. Кимнинг қўлидаги шам олдин ёниб тугаса, у гап-сўзсиз уйдан бирор нарса олмасдан чиқиб кетиши шарт.

**Рассом хандаси**





**Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат.**


**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**“АСАКА” БАНКИ**

**“БАНК-МИЖОЗ”**

**хизмат мажмуини**

**т а к л и ф э т а д и**

***Сиз банк амалиётини бевосита иш жойингиздан туриб бажаришингиз мумкин.***

**“Банк-мижоз” мажмуининг имкониятлари:**

- ***тўлов ҳужжатларини тезкорлик билан жўнатиш ва қабул қилиб олиш;***
- ***ҳисоб рақамингиздаги ўзгаришлар, амалиётларни бевосита кузатиб туриш;***
- ***ҳудудий мансублигидан қатъи назар банкимизнинг ҳар қандай филиалини танлаб ҳамкорлик қилиш.***

“Банк-мижоз” вақтингизни ва пулингизни тежайди.

Тезкорлик, сир сақлаш, хавфсизлик ва банк амалиётидаги ишончлилик кафолатланади.

***“АСАКА” БАНКИ - СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!***

**Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67.**
**Маълумот учун телефонлар: 120-82-98, 120-82-27.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.**

4910


***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ёпиқ турдаги «Тараққиёт» илмий ишлаб чиқариш акциядорлик компаниясига 1995 йил 15 мартда берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.***






Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси таниқли шоир ва журналист **Наримон ОРИФЖОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Иссиқликмонтаж» масъулияти чекланган жамият жамоаси Фарғона «Қурилишиссиқликихота» шохобчаси директори Х. Юнусовга волидаи муҳтарамаси **Холтожи ая ЮНУСОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2915, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.**

**Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.**
**Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.**
**Навбатчи — М. НОРМАТОВ.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**
**[t] — тижорат материали.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

***Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.***
1 2 3 4 5 6